

ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА БИЙЛИК БОШҚАРУВИ ТИЗИМИ

Сирожиддин Баҳридинович Баротов

Чирчик давлат педагогика университети ўқитувчisi

АННОТАЦИЯ

Мақолада Аштархонийлар давридаги сиёсий парокандалик натижасида Фарғона водийсида Қўқон хонлигининг ташкил топиши ва бийлик бошқаруви тизимининг вужудга келиши баён этилган.

Калит сўзлар: минг уруғи, Бухоро хонлиги, Аштархонийлар, Тепакўрғон, бий, бийлик бошқаруви тизими, Чодак хўжалари, “Қалъаи Раҳимбий”.

КИРИШ

XVIII асрнинг бошларида Фарғона водийсида ташкил топган янги давлат – Қўқон хонлигига маҳаллий аҳоли вакиллари бўлган минг уруғи асос солди. Чунончи, XVII асрнинг охири – XVIII аср бошларида аштархонийларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида юз берган тушкунлик, Фарғона водийси иқтисодий мустақиллигининг ўсиши ҳамда 1709-йилда Чодак хўжаларининг исён қўтариб, Фарғонанинг бир қисмини эгаллаши бунга шарт-шароит яратиб берди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Қўқон хонлигининг ташкил топишига асосий сабаблардан бири бу, Бухоро таҳтида ўтирган Аштархонийларнинг сўнгги ҳукмронларидан бири Убайдуллахоннинг ҳукмдорлиги (1702-1711) вақтидаги хонликдаги ижтимоий-сиёсий вазият чигаллашиб, марказий хокимиятнинг янада заифлашиб қолиши бўлди. Убайдуллахон Бухоро хонлигининг ҳарбий жиҳатдан кучайтириш учун аввало уни иқтисодий кучайтириш зарурлигини англаб, 1708-йилда пул ислоҳатини ўтказади. Бу ислоҳатни ўтказишдан бир қатор мақсадларни кўзлайди. Аввало, бекликлардаги бебош ўзбек амирларининг иқтисодий кучини сусайтириб, давлат хазинасини тўлдириш ва мамлакатни молиявий аҳволини яхшилашга ҳаракат қилиб пул ислоҳатини ўтказади. Забт этилган паст қийматли мис пуллар бозорларда савдогарлар томонидан олинмасдан, дўконлар ёпилиб, Бухоро шаҳрида катта қўзгалон қўтарилади. У катта қийинчилик билан бостирилган

бўлсада, мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий вазият яхшиланмади.

Марказий ҳокимиятнинг заифлашуидан фойдаланган Чодак хўжалари 1709-йилда Фарғонада қўзгалон кўтариб, водийнинг бир қисмини эгаллашга муваффақ бўлади. Натижада 1710-йилда ўзбекларнинг минг қабиласи бошлиғи Шоҳруҳбий ҳокимият тепасига келиб, мустақил давлат тузилганлигини эълон қилади. Шоҳруҳбийнинг (1710-1721) хукмдорлиги даврида бу давлат водийдаги кичик ҳудуддан, таркибида Кўқон, Наманган, Марғилон, Конибодом, Исфара ва улар атрофидаги қишлоқларни ўз ичига олган, анчайин марказлашган давлатга айланади. Шоҳруҳбийнинг ўғли Мухаммад Абдураҳимбийнинг хукмронлик йилларида (1721-1733) мамлакатга Андижон ва Хўжанд қўшиб олиниб ҳатто, қисқа вақт бўлса ҳам Бухоро хонлигига тегишли бўлган Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарларини эгаллаб, Шахрисабзга таҳдид қилади. Абдураҳимбий Кўқон қишлоғи яқинида янги шаҳар қуришни бошлайди. Қурилишнинг ilk даврларида бу шаҳар “Қалъаи Раҳимбий” деб аталади. У тез орада касалланиб вафот этганидан сўнг, таҳтга ўтирган укаси Абдукаримбий қурилишни тугаллаб пойтаҳтни Тепақўрғондан Кўқонга кўчиради. Шу тариқа манбаларда бу давлатнинг номи шартли равишда янги шаҳар номи билан Кўқон хонлиги деб номлана бошлайди. Абдукаримбийнинг хукмронлик вақтида давлат ҳокимияти янада мустаҳкамланиб ҳудуди кенгаяди. У 1745-йилда Фарғона водийсига ҳужум қилган жангари қалмоқларни тўхтатиб қолишга муваффақ бўлиб, улар босиб олган Ўш, Андижон, Марғилон шаҳарларини қайтариб олади.

Абдукаримбийдан сўнг таҳтга ўтирган Абдураҳмон тўққиз ойлик хукмдорлигидан сўнг таҳтдан туширилиб, ўрнига Абдукаримбийнинг набираси Эрдонабий хукмдор сифатида эълон қилинди. Эрдонабий хукмронлиги вақтида (1755-1769) мамлакатни ички сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Ташқи сиёсатда эса Фарғона водийсининг муҳим дарвозаларидан бири бўлган Хўжандни босиб олиш учун Бухоро амирлиги билан бир қанча урушлар олиб борган. Фарғона водийсида Эрдонабийнинг хукмронлик йилларида давлат қудрати анча юқорилаб, водийда тинчлик ва фаровонликка эришилган. Мамлакатнинг шарқида жойлашган Ўзган, Ўш каби ҳудудлар ҳам Кўқонга бўйсундирилиб, 1758-1759-йилларда Хитойдаги ҳукмрон сулола ҳисобланмиш Цин империясига (1664-1911) қарашли Шарқий Туркистонга бир неча бор ҳарбий юришлар қилган. Эрдонабий вафот этганидан сўнг таҳтга Шоҳруҳбийнинг учинчи ўғли Шодибекнинг фарзанди Сулаймонбек ўтиради. У Кўқон таҳтида 6 ой ўтирганидан сўнг суиқасд қурбони бўлиб вафот этади.

Кўқонда кейинги давлат бошқаруви 1770-1801-йилларда хукмдорлик қилган Норбўтабек қўлига ўтади. У марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашда, бўйсунмас ҳокимлар қаршилигини бостиришда бир қанча мувафақиятга эришди. Намангандада ва Чустда кўтарилигдан ғалаёнларни бостирганидан сўнг, бу шаҳарларда ўзига содик одамларини ҳоким қилиб тайинлади. Бир неча юришлардан сўнг, Хўжандни эгаллаб, 1799-йилда Тошкентни эгаллаш учун хос навкарбошиси Хонхўжа бошчилигига катта қўшин юборади. Бу қўшин Тошкентда қаттиқ қаршиликка учраб, мағлубиятга учрайди. Норбўтабек 1801-йил касаллиқдан Кўқон шаҳрида вафот этганидан сўнг, унинг катта ўғли, суола тарихидаги энг ёрқин вакил ҳисобланувчи шахс Олимхон (1801-1810) таҳтга ўтиради. Унинг таҳтга келиши мамлакат тарихидаги янги саҳифа ҳисобланади. Чунки унинг давридан Кўқондаги бийлар бошқаруви, 1805-йилдан хонлик номини олиб, Кўқон хонлиги давлати янги поғонага чиқади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, XVII асрнинг охири – XVIII аср бошларида аштархонийларнинг сиёсий ҳаётидаги парокандалик Фарғона водийсида минг уруғининг ҳокимиятни қўлга олиши ва Кўқон хонлигининг ташкил топишига олиб келди. Тарихдан ибрат ва хулоса чиқариб, келажакда адашмаслик тўғрисида Ўзбекистоннинг биринчи президенти шундай деган эди: “Тарихдан ибрат олиб яшаш, тарих хақиқатларини билиш кишига қувват беради, уни хаёт хақиқати билан қуроллантиради. Тарихни ёзишда хеч қачон ўнг томонга ҳам, чап томонга ҳам оғмасдан, фақат хақиқат ва адолат нуқтаи назаридан йўл тутилиши керак. Сохта тарих бамисоли оғу каби инсонни заҳарлайди, унинг онгу дунёқарашини чалғитади.... Лекин яхши кунлар, обод ва фаровон хаётнинг қадрига етиш учун инсон баъзи-баъзида ортга назар ташлаб туриши ҳам керак. Тарихдан сабоқ чиқариб яшashi лозим. Мен, авваламбор, ёшларимизга қаратада айтмоқчиман: ўқинг, тарихни ўрганинг, тарихини, ўтмишини билган одам келажакда адашмайди”.

REFERENCES

1. И.А.Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2015 й.
2. А.Сагдуллаев. Б.Аминов. Ў.Мавлонов. Н.Норқулов. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Т.: “Академия”, 2000 й.
3. А.Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: “Шарқ”, 2000 й.

4. Аваз Мухаммад Аттор Ҳўқандий. “Тарихи Жаҳоннамойи” // “Шарқ ўлдузи” 1991-й. 8-сон.
5. Мирза Олим Мушриф Тошкандий. “Ансоб ус-салотин таворих ва улҳавоқин” Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ қўлёзмаси. Рақами 1314.
6. Тарихи Шоҳрухий. Ўзбекистон ФА ШИ ҚЖ қўлёзмаси. Рақами 1787.